

АҲОЛИНИ ДОИМИЙ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Саидов Н.Р.

ТДИУ катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада иш ўринларини яратаётган, рўйхатдан ўтган, фаол, нофал, фаолияти тугатилган ва янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони таҳлили ва иқтисодиётда иш билан бандлар ва ишсизлар таҳлили асосида доимий иш ўринларини яратишнинг аҳамияти ва зарурияти ёритиб берилган.

Таянч иборалар: иш билан бандлик, иш ўринлари, ишсизлик

Кириш. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси келгуси беш йилликда ижтимоий-иқтисодиёт ҳуқуқий-сиёсий тараққиётимизни белгилаб бера-диган ҳужжат ҳисобланади. Унинг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш-нинг устувор йўналишлари” деб номланган 4-қисми 4.1 бандида яқин беш йилда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса: “... янги иш ўринларини яратишни”²⁸ амалга оширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамадан ҳозир кунда ишсизлик даражаси қишлоқ ҳудудларида юқориликча қолган. Бунга асосий сабаблар:

- қишлоқ ҳудудларида барқарор корхона ва ташкилотларни сони кам эканлиги;
- иш ўринларининг мавсумийлиги ва доимий эмаслиги
- доимий иш ўринларининг етарли эмаслиги;
- янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг қисқа муддат ичида ўз фаолиятини якунлаши;
- фаол корхоналарнинг нофал ҳолатга келиши;
- инвестицион лойиҳаларнинг қишлоқ ҳудудларига кам йўналтирилишидир.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига 1-илова, 36-бет.

Республикамизда иш ўринларининг асосан тўртдан уч қисми²⁹ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, яъни касаначилик, якка тартибдаги тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишни ривожлантириш асосида яратилмоқда. Бундай ҳолатда доимий иш ўринлари сони улуши қисқа бўлмоқда.

Иш ўринларининг доимийлиги барқарор корхоналарга боғлиқ бўлиб, ЯИМнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда барқарор рентабеллик даражасига эга тармоқ ва соҳаларга киритилган инвестициялар барқарор корхона ва доимий иш ўринларини яратилишига асос бўлади.

Аҳолининг хусусан қишлоқ аҳолисининг мавсумий ва норасмий иш билан бандлиги вақтинчалик даромад келтириб, доимий иш билан бандлигини, муносиб меҳнат шароитида фаолият юритишини, меҳнат стажи ва карьераси кафолатламайди. Шу сабабли бугунги кунда ишсиз ёшлар ва аёллар, меҳнат мигрантлари ва норасмий секторда бандлар учун доимий иш ўринларини яратиш долзарб ҳисобланади. Доимий иш ўринлари ушбу муаммони ҳал қилишнинг самарали ечимларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақсадга эришиш учун статистик маълумотларни тўплаш ва таққослаш усулларида, олинган натижаларни умумлаштириш ва асослашда таҳлил усулларида фойдаланилди. Ушбу методлар мақоланинг тадқиқот натижалари қисмида қўлланилиб, қуйида хулоса қилишимизга ёрдам берган. Қўлланилган методларнинг натижаси аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлашнинг аҳамиятини ёритиб беришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари. Иш ўрни киритилган инвестиция, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш маҳсулидир. Республикамизда иш ўринларининг асоси бўлган корхона ва ташкилотларни қўллаб қувватлаш, уларнинг сонини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ҳудудларда аҳолини доимий иш билан бандлигини таъминлашнинг самарали йўлларида бири бу барқарор фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар салмоғини кўпайтиришдир. Паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, инвестицияларни замонавий бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳа ва тармоқларга йўналтириш ва оқилона фойдаланиш ҳамда инвестициявий жозибдорликни оширишга тижорат банкларининг жалб қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда кўп корхоналар ўз барқарорлигини сақлаб қолаолмаяпти ва натижада доимий иш ўринлари йўқотилмоқда (1-жадвал).

²⁹ <https://regulation.gov.uz/ru/document/10759>

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Минтақалар бўйича корхона ва ташкилотлар сони³⁰ (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) (1 январь ҳолатига кўра, минг)

	2020 йил 1 январь ҳолатига кўра				
	Рўйхатга олинган	Фаол	Нофаол	Янги ташкил этилган	Тугатилган
Ўзбекистон Республикаси	419,5	398,1	21,4	96,7	16,9
Қорақолпоғистон Республикаси	18,8	18,4	0,4	3,9	1,1
<i>Вилоятлар:</i>					
Андижон	33,9	30,7	3,2	6,9	2,1
Бухоро	24,5	23,5	1,1	6,4	0,9
Жиззах	18,0	17,2	0,9	3,6	0,6
Қашқадарё	26,0	25,3	0,7	5,5	1,1
Навоий	17,8	17,1	0,7	7,3	0,8
Наманган	26,6	25,9	0,7	5,7	1,5
Самарқанд	33,3	31,3	1,9	8,4	1,4
Сурхандарё	19,6	19,2	0,4	5,0	0,9
Сирдарё	14,0	13,2	0,8	3,3	0,5
Тошкент	44,3	38,5	5,7	10,0	1,7
Фарғона	35,9	35,4	0,5	7,0	0,7
Хоразм	19,6	18,6	1,0	4,8	1,0
Тошкент шаҳри	87,2	83,8	3,4	18,9	2,6

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 96,7 мингтани ташкил этган. Лекин 16,9 мингта корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини тугатган. Корхоналар тугатилиши билан бир қаторда доимий иш ўринлари ҳам қисқарган. Шунингдек нофаол корхона ва ташкилотлар 21,4 мингтани ташкил этмоқда. Айтиш мумкинки нофаоллик натижасида ҳам бир қанча иш ўринлари қисқариб боради.

Иқтисодий барқарорликка эриша олмаган корхона ва ташкилотлар исталган вақтда ўз фаолиятини тугатиши мумкин. Натижада доимий иш ўринлари ва иш билан бандлар сони камайиб, ишсизлар сони ортаверади. 2020 йил ҳолатига кўра иш билан бандлар сони 13236,4 минг нафарни, ишсизлар сони эса 1561,1 минг нафарни ташкил этган (2-жадвал)

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2020 йилда ишсизлар сони 1561,1 минг нафарни ташкил этган ва ишсизлик даражаси 10,5%ни ташкил этган. Юқоридаги кўрсаткичлар доимий иш ўринлари салмоғини оширишни талаб этади.

³⁰ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича иш билан банд ва ишсизлар сони³¹

(минг киши)

Ҳудудлар	Иш билан бандлар	Ишсизлар	Ишсизлик даражаси
Ўзбекистон Республикаси	13236,4	1561,1	10,5
Қорақолпоғистон Республикаси	707,4	82,6	10,5
<i>Вилоятлар:</i>			
Андижон	1225,9	150,6	10,9
Бухоро	788,0	93,9	10,6
Жиззах	534,3	65,8	11,0
Қашқадарё	1171,0	146,9	11,1
Навоий	399,4	41,5	9,4
Наманган	1088,7	128,5	10,6
Самарқанд	1418,3	174,5	11,0
Сурхондарё	985,5	122,8	11,1
Сирдарё	332,2	41,2	11,0
Тошкент	1177,2	138,7	10,5
Фарғона	1448,6	177,2	10,9
Хоразм	716,4	88,1	10,9
Тошкент шаҳри	1243,5	108,8	8,0

Доимий иш ўринлари меҳнат ресурсларининг ҳозирги ва келажакдаги давр учун иш билан бандлигини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар. Ҳудудларда аҳоли учун барқарор фаолият юритадиган давлат хусусий шерикчилиги асосидаги корхона ва ташкилотлар, ташкилий ҳуқуқий шакли бўйича Аксиядорлик жамияти, Масъулияти чекланган жамият, хусусий корхоналар салмоғини кўпайиши доимий иш ўринларига асос бўла олади.

Республикада йирик корхона ва қўшма корхоналарнинг салмоғини ошириш лозим. Бу ҳолат узок муддатли доимий иш ўринлари сонини ошишига олиб келади.

Кишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун ҳар бир туман кесимида консалтинг ва агроконсалтинг хизматларини жорий этиш лозим. Консалтинг хизматлари корхона ва ташкилотларнинг доимий даромад топиб барқарор фаолият юритиши учун профессионал маслаҳат бера олади ва натижада иш ўринларининг доимийлиги сақланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х., Саидов Н.Р. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари (монография) “Инновацион ривожланиш навириёт-матбаа уйи”, 2019 й.

2. <https://regulation.gov.uz/ru/document/10759>

3. www.stat.uz – Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

³¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида